

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ КУДРАТИЛЛА МИРЗАТУЛЛАЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ИЧКИ
ИШЛАР ОРГАНЛАРИ РАЎБАРЛАРИНИ ТАНЛАШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Ташкент – 2021

УДК: 159.961:3962:35.083.11:340.63 (575.1)

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Psychological sciences**

Абдуллаев Кудратилла Мирзатуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички ишлар органлари
раҳбарларини танлашнинг ижтимоий-психологик асослари.....3

Абдуллаев Кудратилла Мирзатуллаевич

Социально-психологические основы подбора руководителей органов
внутренних дел МВД РУ.....25

Abdullaev Kudratilla Mirzatullaevich

Socio-psychological foundations for the selection of heads of internal affairs
bodies of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work.....51

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ КУДРАТИЛЛА МИРЗАТУЛЛАЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ИЧКИ
ИШЛАР ОРГАНЛАРИ РАЎБАРЛАРИНИ ТАНЛАШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Ташкент – 2021

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
В2020.4.PhD/P128 рақами билан рўйхатга олинган.


Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида www.ndpi.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилларига
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Сафиев Нуриддин Салихович психология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Самаров Рустам Садриддинович фалсафа фанлари доктори, профессор Агзамова Елена Юрьевна психология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат шарқшунослик институтини


Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги
DSc.03/30.12.2019.P.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 21 «декабрь
соат 15» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4
уй. ЎЗМУ, Ижтимоий фанлар факультети биноси, 4-қават, 409-хона. Тел.: (+99871) 246-52-
74/факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-04, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида
танишиш мумкин (122 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри,
Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Бош ўқув биноси, "В" қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (+99871)
246-67-71.

Диссертация автореферати 2021 йил «6» декабрь кунини тарқатилди.
(2021 йил «6» декабрь даги 2 рақамли реестр баённомаси).

 **Д.Г. Мухамедова**
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси психология фанлари
доктори, профессор

 **Н.Н. Рахимова**
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби психология
фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент

 **У.Б. Шамсиев**
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, психология фанлари доктори
(DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирда жаҳон тажрибаси ва халқаро доирада ўтказилган илмий тадқиқот хулосалари бошқарув тизими ўзига хос “инсон-инсон” типига шаклланганлиги ва ушбу тизим объект ва субъектнинг психологик хусусиятларига бўлган махсус талабларга эга эканлигини далиллайди. Ушбу талаблар турлича бўлиб, ўз тузилмасининг ўрганилиши бўйича етарлича мураккабликка эга ва бошқарув тизими ҳам мукамаллашиб, жамият ҳаётида унинг ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Бунда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг такомиллашуви ҳуқуқни химоя қилиш органлари нуфузини, жиноятларнинг олдини олиш, очиш ва суриштирув ишларини олиб борувчи ходимлар профессионализми, уларнинг касбий салоҳиятини аниқлаш учун психологик диагностика ўтказиш ва ижтимоий нуқсонларнинг психологик коррекциясини амалга ошириш вазифалари белгиланмоқда.

Дунёда касбий фаолиятни бошқариш, кадрлар иш фаолиятининг ўсишини ва ишчи жамоада ўзаро алоқаларни таъминлаш, шунингдек, касб касалликларининг олдини олиш, ходимларнинг психологик саломатлигини таъминлашда ходим ва раҳбарларни тўғри танлаш ҳамда уларнинг ижтимоий-психологик ҳолатини тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бошқарув фаолиятига нисбатан мотивация, ижтимоий муҳит билан коммуникатив алоқага кириша олиш қобилияти, ишчи маълумотларни йиғиш жараёнида интеллектуал фаолият олиб бориш кўникмаларига эга бўлиш ва бошқарув жараёнида қабул қилинадиган қарорларнинг тўғрилигини асослаб бера олиш муҳим ҳисобланади. Мазкур илмий изланишларда бошқарув жараёнида ташкилотчилик қобилияти, эмоция, ҳиссиёт, курашувчанлик фаоллиги ва ҳиссий чидамлилиқни керакли динамикада сақлаб туриш хусусиятлари ҳамда амалий фаолият учун танлов дастурини тайёрлаш ва пилотаж татбиқ этишни амалга ошириш, унинг самарадорлигини аниқлаш тадқиқот муаммоси саналади.

Мамлакатимизда ИИВ тизими олдида турган вазифаларнинг самарадорлигини ошириш учун ўзгалар билан ўзаро таъсирга кириша олиш ва муомаланинг самарали тизимини шакллантириш малакасига эга бўлиш масалалари долзарблик касб этмоқда. Бугунги кунда барча соҳалар сингари ички ишлар тизимида ҳам кенг кўламли ва пухта ўйланган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ички ишлар органларини эл-юрт манфаатига хизмат қиладиган чинакам халқчил тизимга айлантириш йўлида катта ишлар олиб борилмоқда¹. Мазкур вазифанинг ижроси бутун бўлинмаларнинг функционал вазифалари, ишга ёндашувлари, ходимлар психологияси, касбий маҳорат, касбий фаолият хусусиятларига психологик тайёргарлик каби ижтимоий-психологик кўникма ва малакаларни касбий меъёр даражасида кечишини таъминлаш

¹ Мирзиёев Ш.М. Поздравления сотрудникам и ветеранам органов внутренних дел (24.10.2020) // Режим доступа: <https://president.uz/ru/lists/view/3913>

механизмларини ишлаб чиқиш сифатини оширишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”, 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Раҳбарлар танлашни ижтимоий-психологик нуқтаи назардан ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, хусусан, Йельск университети (Yale University, АҚШ)², Шимолий-шарқий университет (Northeastern University Boston, АҚШ)³, Мюнхен университети (LMU, Германия)⁴, Ижтимоий ва гуманитар фанлар университети (SWPS, Польша)⁵, Рижентс университети (Regents University, Буюк Британия)⁶, Москва Давлат университети (Ломоносов номидаги МДУ, Россия)⁷, Сеул Миллий университет (Seoul National University, Жанубий Корея)⁸ларида олиб борилмоқда.

Тадқиқ этилаётган масала бўйича илмий адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича замонавий илмий тадқиқот ишларининг кўпчилиги, асосан, персонални бошқариш (Д.Г.Мухамедова⁹, Т.Ю.Базаров¹⁰, М.Х.Мескон¹¹, А.А.Абуева¹², С.М.Андреева¹³, Т.А.Горская ва бошқалар), бошқарув

² <http://luchshiy.com/luchshie-mesta/luchshie-university/513-luchshie-university-jelskij-universitet-ssha>

³ https://www.unipage.net/ru/northeastern_university

⁴ https://www.unipage.net/ru/university_of_munich

⁵ <https://eurostudy.info/info/vysshaya-shkola-obschestvennoj-psihologii>

⁶ <https://www.educationindex.ru/university-search/regents-university-london/>

⁷ https://uz.wikipedia.org/wiki/Moskva_davlat_universiteti

⁸ https://world.uz/post/view/seulskiy_nacionalnyy_universitet

⁹ Теоретико-методологические основы социально-психологических аспектов инновационного менеджмента в образовании. Монография. – Т., 2013. – 160 с.

¹⁰ Базаров Т.Ю. Технология центров оценки для государственных служащих. Проблемы конкурсного отбора. – М.: «ИПК ГС», 1995. – 152 с.

¹¹ Мескон М.Х. Основы менеджмента / М.Х.Мескон, М.Альберт, Ф.Хедоури. пер. с англ. – М.: Дело, 2000. – 704 с.

¹² Абуева А.А. Стратегия воспитательных воздействий в управленческой практике. – М.: «МАИ», 2005. – 20 с.

¹³ Андреева С.М., Горская Т.А. Психологические основы управления персоналом. – СПб., 1997. – 167 с.

фаолияти психологияси (Д.Г.Мухамедова, Ю.А.Шаранов¹⁴, И.С.Зубрилова, А.И.Скрыпников¹⁵ ва бошқалар), бошқарув бўғинининг касбий шаклланиши, лидерликнинг психологик жабҳалари, кадрларни танлаш (Т.Ю.Базаров, Д.Купер¹⁶, А.Робертсон, А.И.Адаев ва бошқалар) билан боғлиқ масалаларга йўналтирилган.

Замонавий психология фанида, хусусан, ўзбек психологиясида ЎзР ИИВ тизимида психологик хизмат ўз бошланиш йўлида турибди ва ўзбек психологларининг тадқиқотлари, асосан, қонунчиликка риоя қилишнинг психологик жабҳаларига (В.Г.Щепоткин), ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг индивидуал-психологик ва мотивацион асосларини белгилаб берувчи психологик омилларга (Е.Ю.Агзамова¹⁷, И.Р.Эргашев, И.Арифходжаева¹⁸ ва бошқалар) боғлиқ бўлди. ЎзР ИИВ тизими бошқарув бўғини фаолиятининг психологик жабҳалари алоҳида мақолаларда ўз аксини топган (Р.З.Гайнутдинов, Р.М.Махмудов, С.В.Асямов, Б.Н.Сирлиев ва бошқалар).

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-126 “Ўзбекистон ёшларида психологик етуклик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностика воситаларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга тадбиқ этиш” фундаментал лойиҳа мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ЎзР ИИВ органлари раҳбарларининг самарали танловини таъминловчи ижтимоий-психологик дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

психология фанида ички ишлар органлари раҳбарларининг бошқарувчилик фаолияти асосларини назарий-методологик таҳлил қилиш;

танлов жараёни моҳияти ва тушунчасини очиқ бериш, унинг асосий мақсадлари ва вазифаларини аниқлаш;

психология фанида ички ишлар органлари бошқарув фаолияти субъекти ва объекти тушунчаларини ҳамда уларга қўйиладиган талабларни ўрганиш;

ЎзР ИИВ ички ишлар органлари раҳбарларининг касбий фаолияти мазмуни ва шарт-шароитларини эмпирик тадқиқ этиш;

ЎзР ИИВ ички ишлар органлари раҳбарларининг касбий фаолияти мазмуни ва шарт-шароитларини эмпирик тадқиқ этиш;

¹⁴ Шаранов Ю.А. Юридическая психология деятельности ОВД (теория и методология управления развитием). Автореф. дис. д-ра. псих. наук. – СПб., 2000. – 43 с.

¹⁵ Зубрилова И.С., Скрыпников А.И. Психологическое обеспечение оперативно-служебной деятельности сотрудников органов внутренних дел: Методическое пособие. – М.: ИМЦ ГУК МВД России, 2001. – 141 с.

¹⁶ Купер Д. Психология в отборе персонала / Д.Купер, А.Робертсон. – СПб.: Питер, 2003. – 240 с.

¹⁷ Агзамова Е.Ю. Факторы, определяющие проявления индивидуально – психологических особенностей личности сотрудников органов внутренних дел. Дис. ... канд. психол. наук. – Т., 2001.

¹⁸ Арифходжаева И.Х. Ички ишлар идоралари сержантлар таркиби фаолиятини такомиллаштиришнинг психологик омиллари. Дис. ... канд. психол. наук. – Т., 2011. – Б. 195.

ЎзР ИИВ ички ишлар органлари раҳбарининг муваффақиятли бошқарувчилик фаолиятини таъминловчи касбий муҳим сифатларини аниқлаш;

ЎзР ИИВ ички ишлар органлари раҳбарининг касбий муҳим сифатларидаги ижтимоий-психологик хусусиятларини баҳолаш имкониятини берувчи психодиагностик методикалар тўпламини ишлаб чиқиш;

ЎзР ИИВ ички ишлар органлари раҳбарларининг ижтимоий-психологик хусусиятларидаги гендер жабҳани ўрганиш;

раҳбар аёллар касбий муҳим ижтимоий-психологик хусусиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган психокоррекцион машқлар мажмуасини тайёрлаш ва унинг амалий самарадорлигини текшириш;

ички ишлар органлари раҳбарларининг касбий муҳим ижтимоий-психологик хусусиятларини шакллантириш ва ривожлантириш имконини берувчи психокоррекцион машқларнинг умумий мажмуасини тайёрлаш, шунингдек, унинг амалий самарадорлигини текшириш;

ЎзР ИИВ ички ишлар органларида амалий фаолият учун танлов дастурини тайёрлаш ҳамда пилотаж татбиқ этишни амалга ошириш ва унинг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг турли вилоятларида фаолият юритаётган ҳуқуқ тартибот органларида етарлича касбий тажрибага эга бўлган жами 876 нафар эркак ва аёл раҳбарлари, шунингдек, олий маълумотга эга бўлган, ички ишлар органларида турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида аҳамиятли тажрибага, мазкур тизимда муваффақиятли хизмат ва касбий ўсишга эга бўлган 205 нафар эркак ва аёл экспертлар жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предметини ЎзР ИИВ ички ишлар органлари раҳбарларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммони назарий ўрганиш, ЎзР ИИВ ички ишлар органлари раҳбарларини танлашнинг ижтимоий-психологик асосларини эмпирик тадқиқ этишнинг оптимал йўналишларини (йўллари, ёндашувларни) ишлаб чиқиш учун илмий адабиётлар таҳлили; ЎзР ИИВ тизими раҳбарлари касбий фаолияти тузилмавий-мазмуний хусусиятларини мос рейтинг асосида эмпирик тадқиқ этиш учун ички ишлар органлари раҳбарлари фаолиятини хронометраж кузатиш муаллифлик Протоколи; ЎзР ИИВ тизими бошқарувчилари ўзига хослиги билан ажралиб турадиган касбий фаолияти шароитлари гуруҳини ўрганиш учун ички ишлар органлари раҳбарлари касбий фаолиятини ижтимоий-психологик тадқиқ этишнинг муаллифлик эксперт сўровномаси; ЎзР ИИВ ички ишлар органлари раҳбарининг касбий муҳим ижтимоий-психологик хусусиятларини ўз ичига олган статистик аҳамиятли омилларни ажратиш учун ички ишлар органлари раҳбарининг касбий муҳим ижтимоий-психологик хусусиятларини тадқиқ этишнинг муаллифлик эксперт сўровнома; ички ишлар органлари ходимларини, улар фаолиятининг

самарадорлигидаги гендер хусусиятларни психодиагностик тадқиқ этиш учун ички ишлар органлари раҳбарларининг касбий муҳим ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш муаллифлик сўровномаси; аёл раҳбарларнинг касбий муҳим ижтимоий-психологик хусусиятларини шакллантириш, ривожлантириш учун мос модулга бирлаштирилган ҳолда тайёрланган психокоррекцион машқлар мажмуаси; ЎзР ИИВ органлари раҳбарларининг самарали касбий фаолиятга ижтимоий-психологик тайёгарлигини шакллантириш ва ривожлантириш учун мос модулга бирлаштирилган ҳолда тайёрланган психокоррекцион машқлар мажмуаси.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ички ишлар идоралари раҳбарларининг хизмат фаолиятида фуқаролар билан соғлом психологик муносабатларни ўрнатиш учун раҳбар шахсининг психологик устунлигини таъминлашга имкон берувчи шахслараро муносабатда лидерлик, ижтимоий фаоллик, вазминлик, кескин вазиятларда тез ва аниқ қарор қабул қилиш етакчи психологик омиллар эканлиги исботланган;

ички ишлар раҳбарларида психологик етукликни ривожлантириш учун раҳбар ва бўйсинувчи муносабатида барқарор ижтимоий-психологик бошқарувни таъминлашга имкон берувчи шахсининг хушёрлик, диққатлилиқ, сезгирлик ва ижтимоий фаоллик хусусиятлари муҳим касбий-психологик сифатлар эканлиги далилланган;

ички ишлар ходимларининг касбий фаолиятида раҳбар кадрларни психологик хусусиятларини ривожлантириш модули замонавий раҳбар шахсини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатувчи шижоатлилиқ, жисмоний етуклик ва кўрқувни енгиб ўтиш психологик хусусиятлари орқали такомиллаштирилган;

ички ишлар органи ходимларини раҳбарлик лавозимида психологик жиҳатдан тўғри тайинлаш мақсадида раҳбар шахсининг махсус касбий сифатларини аниқлашга имкон берувчи “етакчилиқка интилиш”, “экстремал вазиятларга бардошлиқ” ва “ўз-ўзига ишонч” психологик омиллари орқали профессиографик мезон ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЎзР ИИВ ички ишлар органлари раҳбарларини танлаб олишнинг самарали усуллари, уларнинг кейинги ривожланиши учун етакчи стимул бўлиши тўғрисидаги янги ёндашув республика ички ишлар ходимларини танлаш бўйича психологик тадқиқотлар амалиётига олиб кирилган;

диссертацияда қўлланилган методикалар жамланмаси ва қўлланиш тартиби кетма-кетлигидан ЎзР ИИВ ички ишлар органлари раҳбарларининг гендер хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда касбий муҳим ижтимоий-психологик хусусиятларини шакллантириш ва ривожлантириш учун махсус модулларга бирлаштирилган психокоррекцион машқлар психологик ёрдам тадбирларини амалга оширишга йўналган амалий ишда дастурий маҳсулот сифатида фойдаланилган;

ички ишлар органлари раҳбарлари касбий фаолиятидаги ижтимоий-психологик қарши кўрсатмалар аниқланди ва уларнинг устуворлигини таъминлаш услублари амалий психологик ишда қўллаш учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотнинг методологик базаси, ички ишлар органлари раҳбарларининг ижтимоий-психологик хусусиятларини адекват, стандартлаштирилган психодиагностик инструментарий ёрдамида ўрганиш билан таъминланади. Тадқиқот танланмасининг шакллантирилиши раҳбарларнинг нисбатан тарқалган йиғиндиси репрезентативлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган. Олинган эмпирик натижалар Excel, Statistica 6.0 стандарт дастурларини асосида психология фанида қабул қилинган математик-статистик мезонлар (омилли таҳлил, Спирман нопараметрик мезони асосида корреляцион таҳлил) ва тадқиқотнинг эмпирик натижаларини мос психологик интерпретацияси ёрдамида таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация иши натижалари бўйича ЎзР ИИВ ички ишлар органлари раҳбарларини танлаб олишнинг комплекс ижтимоий-психологик дастури (функционал компонентларни ҳисобга олган ҳолда танлаш бўйича мутахассислар ишининг алгоритми, аёл ва эркак ходимлар учун психокоррекция модуллар ва мос амалий тавсияларни ўз ичига олган касбий муҳим ижтимоий-психологик хусусиятларни диагностика қилиш имконини берадиган махсус ишлаб чиқилган стандартлаштирилган психодиагностик инструментарий) ишлаб чиқилди, унинг ЎзР ИИВ амалий фаолиятига татбиқ этилиши ҳам кадрлар иши жараёни, ҳам бутун бошқарув фаолиятини сезиларли даражада оптималлаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса диссертация иши давомида ишлаб чиқилган инструментарий (раҳбарлар фаолиятини хрометраж кузатиш протоколи, раҳбарлар касбий фаолияти ижтимоий-психологик шарт-шароитларини тадқиқ этишнинг эксперт сўровномаси, раҳбарнинг касбий муҳим ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш сўровномаси) ЎзР ИИВ ички ишлар органлари ва бошқа ташкилотлар (ЎзР МВ, ЎзР ДХХ ва ҳ.к.) ходимлари фаолиятини келгусида тадқиқ этишда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички ишлар органлари раҳбарларини танлашнинг ижтимоий-психологик асослари натижаси асосида олинган илмий натижалар қуйидаги фаолиятларда татбиқ қилинган:

ички ишлар идоралари раҳбарларининг хизмат фаолиятида фуқаролар билан соғлом психологик муносабатларни ўрнатиш учун раҳбар шахснинг психологик устунлигини таъминлашга имкон берувчи шахслараро муносабатда лидерлик, ижтимоий фаоллик, вазминлик, кескин вазиятларда тез ва аниқ қарор қабул қилиш етакчи психологик омиллар эканлиги исботланганлиги тўғрисидаги таклифлари Тошкент давлат педагогика

университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 19 апрелдаги ПМ-3б-сон буйруғига асосан бўлғуси амалиётчи психологларни тайёрлашда “Бошқарув ва маркетинг психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 19 апрелдаги ПМ-3б-сон маълумотномаси). Натижада амалиётчи психологларнинг бошқарув кўникмаларини шакллантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ички ишлар раҳбарларида психологик етукликни ривожлантириш учун раҳбар ва бўйсинувчи муносабатида барқарор ижтимоий-психологик бошқарувни таъминлашга имкон берувчи шахснинг хушёрлик, диққатлилиқ, сезгирлик ва ижтимоий фаоллик хусусиятлари муҳим касбий-психологик сифатлар эканлиги далилланганлиги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 19 апрелдаги ПМ-3б-сон буйруғига асосан бўлғуси амалиётчи психологларни тайёрлашда “Бошқарув ва маркетинг психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 19 апрелдаги ПМ-3б-сон маълумотномаси). Натижада раҳбар кадрлар компонентларини шакллантирувчи сифатлар Марказнинг илмий-амалий таъминотини кучайтирган;

ички ишлар ходимларининг касбий фаолиятида раҳбар кадрларни психологик хусусиятларини ривожлантириш модули замонавий раҳбар шахсини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатувчи шижоатлилиқ, жисмоний етуклик ва кўрқувни енгиб ўтиш психологик хусусиятлари орқали такомиллаштирилганлиги Тошкент давлат Педагогика университети Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 11 июндаги 6-сон буйруғи билан ташкил этилган “Шахслараро психология” курсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 19 апрелдаги ПМ-3б-сон маълумотномаси). Натижада соҳа вакилларида кўникма ва малакаларни ривожлантириш бўйича профилактика ишларини ташкил этишнинг намунавий режаси ишлаб чиқилган;

ички ишлар органи ходимларини раҳбарлик лавозимига психологик жиҳатдан тўғри тайинлаш мақсадида раҳбар шахснинг махсус касбий сифатларини аниқлашга имкон берувчи “етақчилиқка интилиш”, “экстремал вазиятларга бардошлилиқ” ва “ўз-ўзига ишонч” психологик омиллари орқали профессиографик мезони Тошкент давлат Педагогика университети Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги ПМ-3б-сон буйруғи билан ташкил этилган “Касб психологияси” модули мажмуасига сингдирилган ҳамда Вазирлик тизимида раҳбарлик лавозимига тайинланаётган номзодларни касбий муҳим-ижтимоий психологик хусусиятларини ўрганишда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 19 апрелдаги ПМ-3б-сон маълумотномаси; ЎзР ИИВ кадрлар бош бошқармасининг 2020 йил 19 октябрдаги 2/3475/5-2 сон муълумотномаси).

Натижада бу психодиагностик текширувлар асосида шакллантирилган сифатли психологик методика ва тавсифномаларни тузишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жумладан, 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола эълон қилинган, жумладан, 2 та республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми иловалардан ташқари 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва тадқиқот методлари ифодаланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган маълумотларнинг ишончлилиги баён этилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг татбиқи ва уларнинг синовдан ўтиши баён қилинган. Бундан ташқари чоп этилган ишлар ва диссертация ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **биринчи боби** ички ишлар идоралари раҳбарларини танлаб олишда психологияда қўлланилувчи назарий-методик усулларнинг асосларини ўрганишга бағишланган. Илмий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида аниқланишича, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларига раҳбарларни танлаб олиш психология соҳасида етарлича ўрганилмаган. Турли олимлар томонидан ёритиб борилган илмий ишларда раҳбарларнинг профессионал фаолият жараёни ўзгача ва мураккаб жараён сифатида кўрилгани ва ушбу жараённинг ижтимоий-психологик асослари ўрганилганлигига карамай, фаолиятнинг тўлиқ таркиби эмпирик ва аниқ очиб берилмаган.

Психология соҳасида ходим ва раҳбарларни танлаб олиш жараёни, бир томондан, кам ўрганилган деб ҳисобланса, бошқа томондан, амалиётда жуда зарур ва талаб катта бўлган омил ҳисобланади. Жумладан, касбий фаолиятни бошқариш, кадрлар иш фаолиятининг ўсиши ва ишчи жамоада ўзаро алоқаларни таъминлаш, шунингдек, касб касалликларининг олдини олиш ва ходимларнинг психологик саломатлигини таъминлашда ходим ва раҳбарларни тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. “Танлаб олиш” атамаси ҳақида психология соҳасида аниқ ва ягона танлаб олинган тавсиф ва тушунча мавжуд эмас. Психологияда “танлов атамасига кўплаб тавсиф ва таърифлар

берилган ва бу тушунчага “танлаб олиш” тушунчаси билан маънодош деб қаралган. Бизнинг фикримизча, “танлов” атамаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ишга ва таълим олиш учун кириш, шунингдек, шартнома асосида ишлаш учун қабул жараёни учун қўлланилса, тўғри бўлади. Ўз ўрнида, “танлаб олиш” атамаси мавжуд бўлган иш жараёни давомида бирор муҳим вазифани бажариш, ҳаракатдаги кучлар учун ходимларни тайёрлаш, жиддий ва махсус вазифалар юклатиладиган гуруҳларни ташкил қилиш амалиётида ички ишлар идораларида фаолият юритаётган ходимлар орасидан муносибларини тайинлаш даврида қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Бундан келиб чиқадики, танлаб олиш жараёнининг асосий мақсади ишчи ва муайян касбий фаолият ўртасида илмий асосланган ўзаро муносабатларни шакллантиришдир. Ушбу жараёнда махсус шароит ва шахсга қўйиладиган шахсий талаблар инobatга олинади. Танлаб олиш жараёни қуйидаги мақсадларни ўз олдига қўяди: ходимларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини тадқиқ қилиш; ходимнинг муайян касбий фаолиятга тайёрлигини аниқлаш; ходимдан қайси касбий фаолиятда фойдаланиш борасида тавсияларни ишлаб чиқиш. Психология соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг асосий қисми ички ишлар идораларида бошқарув жараёнининг объекти ва субъектини ўрганишга бағишланган. Ушбу тушунчалар турли хусусиятларга эга ва ўзгарувчан бўлиб, бизнингча, ички ишлар идораларида мавжуд бўлган бутун бошқарув жараёнининг асосий элементлари орасидаги ўзаро алоқаларнинг ўзига хос томонларини тўлиқ акс эттирмайди. Ички ишлар идораларида субъект ва объектга қўйиладиган талаблар кучсиз асосланган, ноаниқ, такрорланувчи характерда ва фақат назарий жиҳатдан ўрганилган ва амалиётга татбиқ этилмаган ҳолда ҳулосалар чиқарилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида тизим ўзига хос бўлиб, “инсон-инсон” типига шаклланган ва ушбу тизим объект ва субъектнинг психологик хусусиятларига бўлган махсус талабларга эга. Ушбу талаблар турлича бўлиб, ўз тузилмасининг ўрганилиши бўйича етарлича мураккабликка эга. Талаблар асосида субъект ва объектнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари туради. Ўрганилган муаммонинг назарий асосларини кўриб чиққан ҳолда ички ишлар идораларида бошқарув субъектига қуйидаги махсус ва асосий вазифалар қўйилиши аниқланди: бошқарув фаолиятига нисбатан мотивация (қизиқиш, эҳтиёж); ижтимоий муҳит билан коммуникатив алоқага кириша олиш қобилияти; ташкилотчилик қобилияти; эмоция, ҳиссиёт, шунингдек, курашувчанлик фаоллиги ва ҳиссий чидамлилиқни керакли динамикада сақлаб туриш; ишчи маълумотларни йиғиш жараёнида интеллектуал фаолият олиб бориш кўникмаларига эга бўлиш ва бошқарув жараёнида қабул қилинадиган қарорларнинг тўғрилигини асослаб бера олиш. Бундан ташқари, турли изланишларда ички ишлар идораларида мавжуд бошқарув субъектининг маълум бир лавозимда ишлаш давомийлиги муддатини белгилаш билан боғлиқ муаммолар акс этган бўлиб, уларнинг психологик ёндашувларида бир қанча муаммо ва чигалликлар мавжуд. Бунда бошқарув субъектининг нисбатан узоқ муддатли

стажга эга бўлиши бошқарув жараёнида салбий ва ҳаттоки аянчли таъсир кўрсатиши, жумладан, жамоанинг тарқаб кетиши, иш фаолиятига нисбатан қизиқишнинг сўниши, бошқарув жараёнига нисбатан “қайта алоқа”нинг намоён бўлмаслиги, коммуникатив алоқаларнинг бузилиши, ходимлар ўртасида тез-тез юзага келувчи эмоционал бузилишлар, ташқи муҳитга нисбатан салбий ва агрессив муносабат пайдо бўлиши каби ҳолатлар юзага келади. Бизнинг фикримизча, ушбу камчиликларнинг асосий сабаби ходимнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари ва у эгаллаб турган лавозимга кўйиладиган махсус талабларнинг номутаносиблигидир. Ушбу номутаносиблик натижасида, бошқарув субъектининг муаммолари таъсири остида (бажарилиши керак бўлган вазифаларнинг кўплиги, вазифаларни бажаришда юзага келувчи қийинчилик ва шароитнинг номаъқуллиги) қолади, муаммоларни ҳал қила олмайди ва уларга қарши тура олмайди. Бунинг натижасида касбий омадсизликларни бошқарув объектига нисбатан агрессив хулқ-атворни намоён қилиш билан компенсация қила бошлайди. Шунингдек, бошқарув субъектида вазифаларни ноадекват танлаш, ишчи муаммоларни паст даражадаги ечим билан ҳал қилиш, “касбий омадсизлик”ни бошқа ходимлардан кўриш каби белгилар намоён бўла бошлайди.

Диссертация ишининг **иккинчи боби** Ўзбекистон Республикаси ИИВ идоралари раҳбарларининг касбий муҳим ижтимоий-психологик хусусиятларини кўп босқичли эмпирик ўрганишга бағишланган. Кузатувлар натижасига кўра (n=67), ЎзР ИИВ ички ишлар идоралари раҳбарларининг асосий касбий фаолиятлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- режалаштирилган вазифаларнинг бажарилишини назоратга олиш ва бошқарилишини таъминлаш;

- иш вақтининг 15,4 %и сарфланади; касбий фаолиятни режалаштириш (мақсад ва вазифаларни шакллантириш, касбий жамоа хусусиятларини инобатга олган ҳолда конкрет функцияларни белгилаш);

- иш вақтининг 9,9 %и сарфланади; турли манбалардан маълумотларни қабул қилиш ва алмашиш;

- иш вақтининг 9,6 %и сарфланади; турли тарбиявий аҳамиятга эга тадбирларни ташкиллаштириш;

- иш вақтининг 8,1 %; кўйилган вазифаларни коррекция қилиш;

- иш вақтининг 8 %и сарфланади;

- хулоса чиқариш, бўйсунувчи ишчилар ва коллективнинг эффективлигини баҳолаш, бажарилган ишлар бўйича ҳисобот тайёрлаш;

- иш вақтининг 7,9 %и сарфланади; мутахассислиги бўйича ўз устида ишлаш ва ўзини қайта тайёрлаш;

- иш вақтининг 7,5 %и сарфланади; бўйсунувчи ишчиларни мутахассислик бўйича тайёрлаш; – иш вақтининг 5,7 %и сарфланади;


- иш вақтининг 5,4 %и сарфланади; мавжуд иш ўринларига ишчиларни қабул қилиш ва резерв тайёрлаш – иш вақтининг 5,1 %и сарфланади; оптимал

команда, гуруҳни шакллантириш, режалаштирилган вазифаларни бажариш учун индивидуал хусусиятлари мос келувчи ходимни танлаб олиш – иш вақтининг 5 %и сарфланади; суткалик навбатчиликда раҳбарнинг иштироки – иш вақтининг 4,9 %и сарфланади; юқорида турувчи раҳбарлар томонидан ўтказиладиган мажлисларда иштирок этиш – иш вақтининг 3,1 %и сарфланади; бошқа тадбирлар – иш вақтининг 3,1 %и сарфланади.

ЎзР ИИВ ички ишлар идоралари раҳбарларининг профессионал фаолиятини эксперт баҳолаш мақсадида ўтказилган тадқиқот (n=138) натижаларига кўра, қуйидаги эксперт кўрсаткичлар бўйича ажралиб турадиган нисбатан ижтимоий-психологик мазмундаги шарт-шароитлар гуруҳини ажратиш имконини берди:

Биринчи гуруҳ, ички ишлар идоралари раҳбарлари фаолиятини яққол ёритиб беради: касбий фаолият давомида ходимлар билан муносабат жадал; касбий фаолият бўйсунувчи ходимлар билан ўзаро оптимал муносабатларни шакллантиришга йўналтирилган; касбий фаолият мароми жадал, одамлар билан доимий мулоқот ва муносабат ўрнатишни талаб қилади; касбий фаолият ишчилар фаолияти самарадорлигини баҳолайди; касбий фаолият иш жараёнидаги хатоликлар учун шахсий мажбуриятни ўта кучли намоён қилади; касбий фаолият мароми ақлий фаолиятга таъсир қилади; касбий фаолият бўйсунувчи ходимларга тарбиявий жараён орқали таъсир қилади; касбий фаолият давомида юзага келадиган эмоционал босим сабаби аниқ шахс ва гуруҳларнинг муносабати ва таъсири натижасида юзага келади; ишчи маълумотлар кўплаб манбалардан қабул қилинади; иш фаолиятининг тартиби ва дам олиш вақти қатъий белгиланмаган; касбий фаолият учун кун давомида узоқ муддатли танаффуссиз ишлаш ва ҳиссий юкламалар мавжуд бўлиши хос.

Иккинчи гуруҳ, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ЎзР ИИВ ички ишлар идоралари ходимлари раҳбарларининг касбий фаолиятларида тез-тез учраб туради ва қуйидагиларни ўз ичига олади: инсонлар билан касбий фаолият қатъий белгиланмаган, сутка давомида кузатилади; касбий фаолият меҳнат жараёнида юқори даражадаги психологик босим остида кечади; касбий фаолият давомида фуқаролар билан интенсив мулоқот мавжуд; касбий фаолият билан шуғулланишда турли хилдаги психоэмоционал бузилиш ва психик шикастланишлар юзага келиш хавфи мавжуд; касбий фаолиятда интеллектуал фаолият устун туради; касбий фаолият нормал микроклимда, инсонлар билан мулоқот қилиш орқали бажарилади; касбий фаолиятда вазифаларни бажаришда гуруҳли ёндашувлар кузатилади; касбий фаолият турли тузилмалар, жамоат ташкилотлари билан алоқани талаб қилади ва ҳоказо; иш куни охирида психик ва жисмоний чарчаш сезилади; касбий фаолият лавозимдаги кўтарилишлар ва ўсишларга имконият яратади; касбий фаолият давомида вазифаларни бажаришда маълум функциялар мустақил бажарилади (расм 1).



Расм. 1. Ички ишлар идоралари раҳбарлари касбий фаолияти ажратилган шарт-шароитларининг аҳамияти ва шароитлар сонига кўра тавсифи (n=138)

Ўтказилган омилли таҳлил (n=138), ЎзР ИИВ ички ишлар идоралари раҳбарларининг касбий-аҳамиятлилик хусусиятларини тавсифловчи бешта аҳамиятли омили мавжудлигини аниқлашга имкон берди: 1-омил “лидерлик ва ижтимоий фаоллик”; 2-омил “ўз- ўзини бошқариш”; 3-омил “эҳтиёжлар ва ўзини ўзи долзарблаштириш”; 4-омил “коммуникатив-характерологик”; 5-омил “интерактивлик”.

Ушбу омилларнинг мазмуний асосини 33 та статистик жихатдан аҳамиятли таркибий қисмлар ташкил этади, ўз моҳиятига кўра улар кўпроқ раҳбарлик фаолиятини муваффақиятли амалга оширишни таъминлайдиган ЎзР ИИВ ички ишлар идоралари раҳбарлари учун касбий муҳим ижтимоий-психологик хусусиятларни акс эттиради.

Қизиғи шундаки, эксперт сўровномани режалаштиришда ЎзР ИИВ ички ишлар идораларида раҳбарлик фаолиятини юритишга психологик монелик қиладиган деб изоҳланадиган хусусиятлар киритилмади. Бунда олинган натижаларнинг бирламчи қайта ишланиши бўйича, экспертларнинг кўпчилиги томонидан (n=86) мустақил равишда эксперт сўровномасининг охирида жойлашган бўлимида (янги ёки ностандарт хусусиятларни тўлдириш имконияти учун бўш қолдирилган сатрларда) раҳбарларга хос салбий хусусиятларни киритганлар. Экспертлар томонидан мустақил кўрсатилган хусусиятларнинг омилли таҳлили (“ман этилган” хусусиятлар маъновий мазмунидан келиб чиқиб) нисбатан ижтимоий-психологик мазмундаги аҳамиятли саккизта хусусиятни ўз ичига олган битта омилни ажратиш имконини берди: (2-расм).

1. ЛИДЕРЛИК ВА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК
ОМИЛИ

2. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОМИЛИ

3. ЭҲТИЁЖЛАР ВА ЎЗИНИ ЎЗИ
ДОЛЗАРБЛАШТИРИШ ОМИЛИ

4. КОММУНИКАТИВ-ХАРАКТЕРОЛОГИК
ОМИЛ

5. ИНТЕРАКТИВЛИК ОМИЛИ

Расм 2. ЎзР ИИВ ички ишлар идоралари раҳбарларининг касбий муҳим ижтимоий-психологик хусусиятларини ўз ичига олган статистик аҳамиятли омиллар (n=138)

Аниқланган статистик аҳамиятли омиллар ва мазмуний таркиблар 102 тасдиқдан иборат ЎзР ИИВ ички ишлар идоралари раҳбарлик лавозимига номзодларни танлаш давомида уларнинг касбий муҳим хусусиятларини баҳолашга йўналтирилган психодиагностик сўровномани тайёрлаш имконини берди. 6 та психодиагностик шкала асосига аниқланган статистик аҳамиятли омиллар киритилди.

Бундан ташқари, сўровноманинг психодиагностик самарадорлигини ошириш мақсадида К.Н.Поляков, А.Н.Глушко томонидан ишлаб чиқилган амалиётда ўзини исботлаган “АРБ-А” (асаб-руҳий беқарорлик – акцентуация) Шахслилик сўровномасининг еттинчи шкаласи ҳам қўшилди. Тайёрланган сўровноманинг муваффақиятли ўтказилган стандартизацияси (“стандарт ўнлик” тизими бўйича – стенлар, n=217) унинг ишончлилик коэффициентларини (n=217, $p < 0,050$ бўлганда $r = 0,75$) ва валидлигининг (n=110, $p < 0,050$ бўлганда $r = 0,88$;) аниқланиши мазкур психодиагностик инструментарийнинг ЎзР ИИВ ички ишлар идоралари раҳбарлари лавозимига номзодларни танлаш давомида мос мутахассислар томонидан қўлланилиши учун мақбуллигини кўрсатди.

Психодиагностик сўровнома натижаларига бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар гуруҳи ўз моҳиятига кўра ЎзР ИИВ ички ишлар идораларида раҳбарлик фаолиятини юритиш муваффақиятини социал-психологик жиҳатдан башорат қилиш имкониятини яратади. Мазкур башоратнинг ишончлилиги ва валидлиги 0,75 ва 0,88га тенг бўлиб, башорат қилишнинг қабул қилинган нормаларига жавоб беради. Бундан ташқари, кадрлар захирасини тайёрлаш давомида ходимларнинг бошқарувчилик фаолиятига ижтимоий-психологик тайёргарлигини ўрганиш мақсадида психодиагностик

сўровнома натижалари интерпретациясини алоҳида, мос шкалалар бўйича махсус ишлаб чиқилган градацияларни ва унга мос интерпретацияни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш мумкин.

Диссертация ишининг **учинчи боб** доирасида ЎзР ИИВ ички ишлар идоралари раҳбарларининг ижтимоий-психологик хусусиятларидаги гендер жабҳа эмпирик тадқиқ этилди.

Ишлаб чиқилган сўровнома ёрдамида ўтказилган тадқиқот танланмасининг ($n=204$) корреляцион таҳлили “респондент жинси” ва “6-шкала” ўзгарувчилари ўртасида статистик аҳамиятли алоқадорликни аниқлаш имконини берди. Бошқарувчилик фаолиятига зид омил хомаки балларда ҳам, стен кўрсаткичларда ҳам ($n=204$; хомаки балларда $r=-0,63$; стенларда $p<0,050$ бўлганда $r=0,61$). Мазкур статистик аҳамиятли ўзаро алоқадорлик аёл раҳбарларда эркак раҳбарларга нисбатан “Ножўя омиллар” шкаласи” бўйича диагностика қилинаётган белгилар камроқ намоён бўлишини кўрсатади. Бундан ташқари аниқланган “респондент жинси” ва шкала № 1. Лидерлик ва ижтимоий фаоллик” шкаласи ўзгарувчилари ўртасидаги аҳамиятли тесқари корреляцион алоқадорлик ($n=204$; хомаки балларда $r=-0,55$; стенларда $r=-0,57$, бунда $p<0,050$) шундан далолат берадики, аёл раҳбарларда эркак раҳбарларга нисбатан лидерлик сифатлари камроқ намоён бўлади, шунингдек, эркаклар аёллардан ижтимоий соҳада фаолликлари билан ажралиб турадилар. Хомаки балларда ҳам стен кўрсаткичларида ҳам “Респондент жинси” ва № 3 шкала “Эҳтиёж ва ўзини ўзи долзарблаштириш” ўзгарувчилари ўртасида аниқланган статистик аҳамиятли корреляцион алоқадорлик ($n=204$; хомаки балларда $r=0,51$; стенларда $r=0,5$ бунда $p<0,050$) аёл раҳбарлар эркак раҳбарларга нисбатан ўзини ўзи долзарблаштиришга кўпроқ эҳтиёж сезишларидан далолат беради.

Умумий корреляцион манзарани таҳлил қилиб, “респондент жинси” ва “бошқарувчилик фаолияти муваффақиятини умумий баҳолаш” ўзгарувчилари орасида аҳамиятли корреляцион алоқадорлик мавжуд эмаслигини қайд этиш мумкин ($n=204$; $p<0,050$ бўлганда $r=0,07$). Мазкур факт шундан даололат берадики, аёл раҳбарлар ички ишлар идораларида касбий фаолиятни эркак раҳбарлар каби бир хил муваффақиятли уддалай оладилар.

Шу билан бирга, катта руҳий зўриқишлар, турли стресс-омиллар таъсири билан боғлиқ қийин касбий вазиятларни енгиш зарурати, иш кунининг тартибга солинмаганлиги, шунингдек, аниқланган гендер хусусиятлар аёл раҳбарларда касбий муҳим ижтимоий-психологик хусусиятларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган махсус муолажалар мажмуасини тайёрлашни долзарблаштиради, улар орасида аёл бошқарувчиларнинг лидерлик ва ижтимоий фаоллиги алоҳида ўрин эгаллаши зарур. Бундан ташқари, аёл раҳбарларда ижтимоий-психологик тайёргарликнинг етарли эмаслиги, хусусан, лидерлик ва ижтимоий фаолликнинг заиф намоён бўлиши касбий фаолият самарадорлигини

аҳамиятли пасайтириши, шунингдек, ички ишлар органлари тизимидаги аёл бошқарувчининг касбий ўсишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Юқорида зикр этилган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида нисбатан ижтимоий-психологик мазмундаги амалда ўзини яхши намоён қилган ва ўтказишнинг методик алгоритмини, махсус машқлар мазмуни, мини-маърузалар, мунозаралар ва ишнинг бошқа шаклларига эга бўлган (турли психолог тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган ва амалда яхши натижалар берган) махсус машқларга асосланган психокоррекцион модул ҳамда уни аёл раҳбарларнинг касбий фаолиятидаги турли ҳаётий босқичларни ҳисобга олган ҳолда ўтказиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Бунда модул тадбирларини ўтказишда асосий эътибор кўзда тутилган психотренинг технологияларини қўллашга қаратилади, чунки аёл раҳбарларнинг касбий фаолиятга мослашиш жараёни аҳамиятли даражада психологик омилларга боғлиқ ва ижтимоий стереотиплар, касбий қийинчиликлар, тўсиқлар туфайли қийинлашади. Модул бўйича ишлаш функционалиги ишлаб чиқилган сўровномага мос психодиагностика ўтказиш билан кучайтирилади. Психодиагностик элементнинг мавжудлиги аёл раҳбарларга оператив равишда асосланган тавсиялар беришга, мазкур модул доирасидаги индивидуал иш алгоритмини тузатишга, умумий муаммога эга қатнашчиларни танлаб олишга, шунингдек, ўтказилаётган иш самарадорлигини ҳам гуруҳда, ҳам индивидуал тарзда баҳолашга ёрдам беради.

Тайёрланган модул самарадорлигини баҳолаш мақсадида тайёрланган сўровнома бўйича ҳам экспериментал, ҳам назорат гуруҳларида аёл раҳбарларни кўп маротабалик (модул бўйича ишлашдан аввал, модул бўйича ишдан 1 ойдан кейин, барча модул иши тугагандан сўнг) текширув олиб борилди. Ўтказилган иш тайёрланган модул бўйича психокоррекцион таъсир кўрсатиш натижасида касбий муҳим ижтимоий-психологик хусусиятларнинг ривожланишидаги ижобий динамикани аниқлаш имконини берди, бу статистик тасдиқланди ($n=61$, $p<0,050$ бўлганда $r=-0,63$). Бунда олиб борилган бошқарув фаолияти муваффақиятлилигини умумлаштирилган ҳолда баҳолаш таҳлили ўтказилган психокоррекцион модулга кўра экспериментал гуруҳдаги аёл раҳбарларда (назорат гуруҳидан фарқли равишда) аҳамиятли даражада коммуникатив компетентлик, лидерлик сифатлари ва ижтимоий фаоллик ортганлигидан, шунингдек, бошқарув фаолиятига монелик қиладиган хусусиятларнинг намоён бўлиши сезиларли даражада пасайганлигидан далолат беради, бу эса комплекс тарзда уларнинг эгаллаб турган лавозимлари бўйича касбий фаолиятлари давомидаги самарадорликка жуда катта таъсир кўрсатди. Олиб борилган таҳлил натижалари статистик жиҳатдан ҳам тасдиқланди ($n=61$, $r=-0,64$ бунда $p<0,050$). Умуман ўтказилган тадқиқот ички ишлар идоралари аёл ходимларининг касбий муҳим ижтимоий-психологик хусусиятларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида тайёрланган психокоррекцион модул самарадорлиги ҳақидаги хулоса қилиш имконини беради. Бундан

ташқари, аёл ходимлар касбий муҳим ижтимоий-психологик хусусиятларини ривожлантириш бўйича психокоррекция самараси сон кўринишида – 0,63ни, мос равишда бошқарув фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатиш самараси – 0,64ни ташкил этади.

Диссертацион ишнинг **тўртинчи боби** ЎзР ИИВ ички ишлар органлари раҳбарларини танлаш дастурини ишлаб чиқишга бағишланган.

Ишлаб чиқилган ички ишлар органлари раҳбарларини танлаш дастури асосига номзоднинг касбий фаолиятни амалга ошириши учун раҳбарлик лавозимига муносиблик даражасини аниқлашга йўналтирилган ташкилий тадбирлар мажмуаси киритилган бўлиб, бўлғуси раҳбарларни танлаш умумий тизимининг ташкилий-функционал, психодиагностик ва психокоррекция таркибий қисмларини ўз ичига олади.

